

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИКНИ САКЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**6-7 КУРСЛАР ЖАРРОХЛИК КАСАЛЛИКЛАРИ АНЕСТЕЗИОЛОГИЯ
УРОЛОГИЯ КУРСИ КАФЕДРАСИ**

**МАЗВУ: КОРИН ДЕВОРИНИНГ ХИРУРГИК АНОТОМИЯСИ.
ЧУРРАЛАР ХАКИДА ТАЪЛИМОТ.**

***ХИРУРГИК КАФЕДРА АССИСТЕНТЛАРИ УЧУН
УСЛУБИЙ КУЛЛАНМА.***

А Н Д И Ж О Н - 2 0 0 5 йил

«ТАСДИКЛАЙМАН»
6-7 курс жаррохлик касалликлари
кафедраси мудири, т.ф.д.,
профессор _____ Нишанов Ф.Н.

ИШ РЕЖАСИ
6-7 курс хирургик касалликлари ва урология курси кафедрасида
уқиш вақти.

№	Машгулот тартиби	Давомийлиги	Вақти
1.	Йуклов.	5	8 ⁰⁰ - 8 ⁰⁵
2.	Талабаларни дарснинг назарий қисмига тайёрлигини текшириш.	120	8 ⁰⁵ - 10 ³⁵
3.	Танаффус.	10 10 10	8 ⁵⁰ - 9 ⁰⁰ 9 ⁴⁵ - 9 ⁵⁵ 10 ²⁵ - 10 ³⁵
4.	Дарс мавзусига оид беморларни қуриш. Беморларни мустақил қурация қилиш. Клиник симптомларни такқослаш.	45	10 ³⁵ - 11 ²⁰
5.	Катта танаффус.	40	11 ²⁰ - 12 ⁰⁰
6.	Семинар дарси. Назарий саволларни, вазиятли масалаларни ва тестларни таҳлил қилиш.	90	12 ⁰⁰ - 13 ³⁰
7.	Танаффус.	10 10	12 ⁴⁵ - 12 ⁵⁵ 13 ³⁰ - 13 ⁴⁰
8.	Амалий қуникмаларни таҳлил қилиш.	55	13 ⁴⁰ - 14 ³⁵

Дарс утишининг умумий коидалари.

НАЗАРИЙ ДАРС УТИШ.

Талаба кафедрага келгунча булган вақтда булажак цикл буйича дарс мавзуларини тула ёзиб олган булиши ва ҳар бир дарсга тайёрланиб келиши шарт.

Кафедрада ассисент утилайётган дарс мавзуси буйича ҳар бир студентдан сураши ва рейтинг системаси буйича баҳо куйиб бориши шарт. Талабага дарс мавзуси буйича саволлар берилади, агар талаба коникарли жавоб кайтармаса қушимча савол бериши мумкин.

Талабалар билимини баҳолаш тизими

№	Ўзлаштириш (%) ва баллар	Баҳо	Баҳолаш сифатлари	Тайёргарлик даражаси
1	91 – 100	аъло «5»	Умумлаштиради, баҳолайди, таҳлил қилади, қўллайди, тушунади, билади.	4-даража: ижод қилиш даражаси.
2	86 – 90	жуда яхши «5»	Таҳлил қилади, қўллайди, тушунади, билади.	3-даража: билим ва қўникмалар даражаси.
3	71 – 85	яхши «4»	Қўллайди, тушунади, билади.	3-даража: билим ва қўникмалар даражаси.
4	65 – 70	Тўлик коникарли «3»	Тушунади, билади.	2-даража: ўқув қобилият даражаси.
5	55 – 64	коникарли яъни минимал талаблар бажарилган «3»	Билади.	1-даража: тасаввур этиш даражаси.
6	54 – 41	коникарсиз, қўшимча ишлаш талаб этилади «2»	Ёмон билади.	0-даража: суғ тасаввур этиш даражаси.
7	40 – 30	коникарсиз, бўш, қўп қўшимча ишлаш талаб этилади «!»	Билмайди.	0-даража: мутлоқ тасаввур йўқлик даражаси.
8	30	«0»	Катнашиш бали.	0-даража.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАКСАДИ: Талабаларга корин девори, ундаги анатомик кучсиз сохаларнинг хирургик ва функционал анатомиясинини ургатиш.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ:

I. Студентлар билиши керак:

1. Корин олд-ёнбош деворининг хирургик анатомияси
2. Корин тугри мускуллари ва улар кинининг хирургик анаотомияси
3. Корин ок чизигининг хосил булиши
4. Киндик сохасининг хирургик анатомияси
5. Корин девори пастки сохасининг ички томондан куринишининг ва шу сходаги элементларнинг хирургик анатомияси
6. Пти ва Лесгафт-Грюднфельд учбурчакларининг хосил булиши ва уларнинг хирургик ахамияти.
7. Корин чурраларининг тушунчаси, синфланиши, клиник куриниши.
8. Чурра хосил булишида мойиллик тугдирувчи ва юзага чикарувчи омиллар
9. Корин чурраларини ташхислаш ва киёсий ташхислаш
10. Корин чурраларини ташхислашда кулланиладиган асосий ва кушимча текшириш усулларини.

II. Студентлар бажара олиши керак:


1. Чурра билан хаста беморларни куздан кечириш.
2. «Иутал турткиси» аломатини аниклаш.
3. Чов канали ташки тешигини аниклаш.
4. Чурра дарвозаси улчамларини ва шаклини аниклаш.
5. Чурра элементларини фарклаш
6. Диафаноскопия утказиш

КУРГАЗМАЛИ КУРОЛЛАР: Таблицаалар, слайдлар, лекция материаллари, компьютер дастурлари, укув кулланмалар, услубий кулланмалар.

НАЗАРИЙ КИСМ: КОРИННИНГ ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯСИ

Корин, корин деворлари (parietes abdominis) ва **корин бушлиги** (cavitas abdominis) дан иборат. Корин бушлиги ҳам уз навбатида корин парданинг париетал вараклари билан уралиб турган корин парда бушлиги (cavitas peritonei) дан ҳамда корин парда билан бел умурткалари олдидаги мушакларни ёпиб турган фасция (fascia endoabdominalis) лар орасидаги бушлик-корин парда оркасидаги бушлик (spatium retroperitonealis) дан иборат. Хирургик анатомия нуктаи назаридан буларнинг хаммасини алохида-алохида урганиш мақсадга мувофиқдир.

Корин олдинги-ён деворининг топографияси. Кориннинг олдинги-ён деворлари юкоридан туш суягининг ханжарсимон усигидан, коворга ёйлари буйлаб култик ости урта чизигигача, пастдан-ков суягининг устидан, чов бойламлари оркали ёнбош суягининг олдинги юкори уткир усигигача утказилган чизикда турри келади. Унинг икки ён томондаги чегарасини култик ости урта чизигидан ёнбош суягигача давом этган чизик ташкил килади. Аммо корин олдинги ён деворининг бу чегараси, корин бушлигининг чегарасига тугри келмайди. Бунга юкррида диафрагма гумбазининг кукрак кафаси томонига буртиб кутарилиши ва пастда корин парданинг чанок бушлигига анча кириб бориши сабаб булади.



Расм 1. Корин девори сохалари

- 1- regio epigastrica,
- 2- regio hypochondriaca sinistra,
- 3- regio umbilicalis,
- 4- regio lateralis sinistra,
- 5- regio inguinalis sinistra,
- 6- regio pubica,
- 7- regio inguinalis dextra,
- 8- regio lateralis dextra,
- 9- regio hypochondriaca dextra.

Корин бушлигида жойлашган аъзоларнинг теридаги ташки тасвирини аниқлаш ва уларни узаро топографик-анатомик муносабатини урганиш мақсадида кориннинг олдинги деворини иккита кундаланг (горизонтал) чизиклар ёрдамида учта сохага ва иккита тик (вертикал) чизиклар оркали яна 9 та сохага булиб урганилади. Бунда, кундаланг чизикларнинг биттаси (юкориги), иккала X коворга

ёйининг пастки кирраларини узаро бирлаштиради ва бу чизик *Linea bicostarum* дейилади. Иккинчиси(пастки)-иккала ёнбош суякларининг олдинги юкори усикларини бирлаштиради ва бу чизикка *Linea bispinarum* дейилади. Натижада кориннинг олдинги деворида учта соха хосил булиб, юкори горизонтал чизикдан устки сохага-корин бушлиги усти (*epigastrium*), иккала горизонтал чизиклар орасидаги сохага-корин бушлиги (*mesogastrium*) ва пастки горизонтал остидаги сохага-корин бушлиги ости (*hypogastrium*) сохалари дейилади. Иккита унг ва чап (вертикал) чизиклар, ковурга ёйларидан корин тугри мушакларининг ташки кирралари буйлаб ков суягининг дунгликларига караб утказилади. Бунинг натижасида кориннинг олдинги деворидаги учта соха яна хар кайсиси учтадан 9 та майда сохаларга булинади. Бунда корин бушлига усти сохаси: корин устки (*reg. epigastrica*) хамда унг ва чап ковурга ёйлари ости (*reg. hypochondrica dextra et sinistra*) сохаларига, корин бушлиги сохаси-киндик (*reg. umbilicalis*) хамда унг ва чап корин ён (*reg. lateralis dextra et sinistra*) сохаларига, корин бушлиги ости сохаси-ковук (*reg. pubica*) хамда унг ва чап чов (*reg. inguinalis dextra et sinistra*) сохаларига булинади.

Энди бу сохдларда жойлашган корин аъзолари билан танишиб чикадиган булсак, корин бушлиги устки сохасининг урта сохасида жигарнинг чап булагги, меъда, кичик чарви, унг ковурга ёйи сохасида-жигарнинг унг булагги билан ут пуфаги, ун икки бармок ичакнинг юкори кисми ва кундаланг чамбар ичакнинг унг эгрилиги жойлашади. Чап ковурга ёйи сохасида-талок билан кундаланг чамбар ичакнинг чап эгрилиги жойлашади.

Шунингдек корин бушлирининг киндик сохасида ингичка ичак ковузлоклари, меъданинг катта эгрилиги, кундаланг чамбар ичак, катта чарви, меъда ости беши; унг ёнбош сохасида-юкорига кутарилувчи чамбар ичак, ингичка ичак ковузлокларининг бир кисми ва унг буйрак билан сийдик йули жойлашади. Чап ёнбош сохасида эса пастга тушувчи чамбар ичак, ингичка ичак ковузлокларининг бир кисми билан чап буйрак ва сийдик йули жойлашади.

Корин бушлири пастки сохасининг ковук усти сохасида ингичка ичак ковузлоклари, ковук (тулган холатида), катталашган бачадон жойлашади. Унг чов сохасида-кур ичак узининг чувалчангсимон усимтаси билан ва чап чов сохасида «S» симон ичак жойлашади.

Юкорида келтирилганлардан куриниб турибдики, корин олдинги деворининг мазкур чизиклар ёрдамида сохаларга булиниши, у ерда жойлашган ички аъзоларнинг ташки тасвирини шу сохаларда беҳато аникланишига ёрдам беради.

Корин олдинги деворининг териси юпка ва чузилувчан булади. Бу хол хомиладорликда, асцит, метеоризм ва бошка касалликларда яккол кузга ташланади. Унинг юкори сохаси охирги 6 жуфт ковургалараро нервлари, пастки сохаси-ёнбош-корин ости (п.

iliohypogastricus) ва ёнбош-чов (n. ilioinguinalis) нервлари билан иннервацияланади. Ковургалараро нерви кориннинг ички кийшик ва кундаланг мушаклари орасидан келиб, терига латерал тери нерви (rr. cutaneus lateralis nn. intercostalis) тармоқларини беради. Ковургалараро нервлар корин деворининг олдинги соҳасига утиб, корин тугри мушаги кинининг орқа деворига боради ва унга тармоқлар бергач, пай деворини тешиб, корин тугри мушаги кинининг олдинги деворига чиқади. Унга ҳам уз толаларини бергач, терининг олдинги нервлари (rr. cutanei ventralis nn. intercostalis) сифатида юзага чиқади. Бу нервлар тери билан бир каторда корин олдинги-ён мушакларини ва корин пардани ҳам иннервация қилади.


Соханинг тери ости; ёғ қавати кишининг ёшига, жинсига, орик-семизлигига қараб ҳар хил бўлади. У айниқса кориннинг пастки қисмида купрок, йигилиб, киндик атрофларида жуда кам бўлади. Ёғ туқима ичидан юза кон томирлар утади. Улар асосан соханинг киндикдан пасткида сон артериясидан чиқувчи юзаки артериялар: кориннинг тепасидаги юза артерия (a. epigastrica superficialis) ёнбош суягини ураб турувчи юза артерия (a. circumflexa ilium superficialis) ва ташки уятли артерия (aa. pudendae externa) лар бўлиб, буларнинг биринчиси чов бойламининг урта қисмидан юқорига кутарилиб, киндик соҳасига қараб йуналади. Иккинчиси-ташки томонга, чов соҳасига ва учинчиси-медиал, қов соҳаси томонга қараб йуналади. Киндикдан юқори сохани пастки 6 жуфт коургалараро артерияларнинг ҳамда бел артериясининг тармоқлари кон билан таъминлаб, улар юқоридан пастга-киндик соҳасигача тушиб келади.

Юқоридаги номлари келтирилган артерияларни шу номли веналари бўлиб, киндикдан пастдаги сохани вена кони, сон венасига ва у орқали ташки ёнбош венасидан, пастки қовак венага қуйилади. Киндикдан юқори сохани вена кони-ковургалараро ҳамда кукрак-корин усти (vv. thoracoepigastricae) веналари орқали, юқорига — ток веналарга, улар орқали юқори қовак венага қуйилади.

Корин деворининг юзаки веналари корин деворида узаро қалин анастомозлар ҳосил қилади. Вена конини юқорига — юқори қовак венага олиб кетувчи веналар билан, пастки қовак венага олиб кетувчи веналар орасидаги бундай анастомозларга «каво-кавал» анастомози дейилади. Бундан ташқари, бу соҳада қопка вена (v. portae) га бориб қувчи киндик веналари билан юқори ва пастки қовак венага қувчи кориннинг юзаки веналари орасида ҳам анастомоз ҳосил бўлади. Бундай анастомозга «порта-кавал» анастомози дейилади. Бу анастомозларнинг клиникада ахамияти жуда катта. Чунончи, жигар циррози туфайли қопка венаси орқали коннинг утиши қийинлашса, унинг вазифасини кава-кавал анастомозлари бажаради. Натижада корин тери остидаги веналардан муътадилдан

куп кон утиб, веналарнинг димланишига, уларнинг йугонлашиб буртиб чиқишига, вена чигалларининг яккол кузга ташланишига (медуза боши) олиб келади.

Корин деворининг юзаки фасцияси (*fascia superficialis abdominis*) тана умумий юзаки фасциясининг давоми булиб, кориннинг пастки сохаларида купинча икки варақдан иборат булади. Унинг юзаки вараги соннинг олдинги юзасига утиб кетади, чуқур вараги булса — сонга утмасдан, чов бойламига бирикади ва медиал томонда — ёргок, эркаклик олати ва оралик сохаларига бориб, уларнинг юзаки фасциясини хосил килади. Корин ташки кийшик мушагининг хусусий фасцияси шу мушакни ёпиб, пастга караб йуналади ва чов бойламига бирикади. Бу фасциянинг бир қисми ёррокка тушиб, Купер фасциясини (*fascia cremasterica* Cooper) хосил килади.



Расм 2. Корин олд девори. Тери, тери ости ёғ қатлами, юзаки фасция кесиб олинган. Чап томонда *m. recti abdominis* кини олиб таланган ва *m. pyramidalis* очилган.

- 1 — *m. obliquus externus abdominis*;
- 2 — *m. rectus abdominis*;
- 3 — *inter -sectio tendinea*;
- 4 — *m. obliqui externi abdominis* апоневр.
- 5 — *m. pyramidalis*;
- 6 — *funiculus spermaticus*;
- 7 — *n. ilioinguinalis*;
- 8 — *rr. cutanei anteriores et laterales n. iliohypogastricus*;
- 9 — *m. recti abdominis* олди кини;
- 10 — *rr. cutanei anteriores et laterales nn. intercostales*.

Корин олдинги ён-девори мушакларидан энг каттаси ва юзаки ётгани, унинг ташки кийшик мушаги (*m. obliquus externus abdominis*) дир. Бу мушак узининг тишлари билан охирги 7 жуфт ковургаларнинг ён томонларидан ва бел-кукрак фасция (*fascia thoracolumbalis*) ларидан бошланиб, юкоридан пастга, орқадан олдинга караб йуналади ва ёнбош суяги ташки қиррасининг $\frac{2}{3}$ қисмига бирикиб, кориннинг олдинги-урта сохасига караб йуналади.

Колган қисми эса ясси пай апоневрозига айланиб, кориннинг тугри мушаги (*m. rectus abdominis*) устидан утиб карама-карши томондаги шу номли мушак апоневрози билан кушилиб ок чизик (*linea alba*) ни хосил килади. Бу мушак тутамларининг йуналиши ковургалараро мушаклар толаларининг йуналишига ухшайди. Корин ташки кийшик мушаги апоневрозининг пастки эркин қисми (*tuberculum pubicum*) билан (*spina iliaca anterior superior*) орасида тортилиб,

тарновсимон арикча хосил килади. Бу арикчанинг туби хийла мустахам булиб, олди ва орка четларидан ажралиб туради. Чов бойлами (*ligamentum inguinale*) деб шунга айтилади. Демак, чов бойлами пишик чандир шаклидаги бойлам булиб, корин ташки кийшик мушаги апоневрозининг калинлашган шаклдаги ва бир оз кайрилган чеккасидир.

Чов бойламининг ков суяги думбогига бирикувчи медиал учидан давом этган фиброз толалар пастга караб ков суягининг уткир киррасига кайрилиб, ковак бойлами (*lig. lacunare*) ни хосил килади.

Унинг остида кориннинг ички кийшик мушаги (*m. obliquus internus abdominis*) жойлашиб, у бел-кукрак фасциясидан, ёнбош суягининг киррасидан ҳамда чов бойламининг тапди $\frac{2}{3}$ кисмидан бошланиб, XII — XI ва X ковургаларнинг пастки чеккасига ёпишади. Бу мушак кориннинг ташки мушаги билан деярли ёпилиб туради (бел сохаси бундан мустасно) ва ундан кичикроқдир.

Мушак толалари (бошланган жойига караб) кундаланг, юкоридан пастга караган йуналишга эга булиб, кориннинг тугри мушаги четига якинлашгач, сербар пай апоневрозига айланади ва икки варакка булиниб, корин тугри мушаги кинининг олдинги ва орка деворларини хосил килишда иштирок этиб, корин ок чизигини хосил килишда катнашади.

Корин ички кийшик мушагининг остида унинг кундаланг мушаги (*m. transversus abdominis*) жойлашиб, у пастки олтига ковурганинг ичкари юзасидан (тишлар билан) ва кукрак-бел фасциясининг чукур варагидан, ёнбош суяги киррасининг ички лабидан бошланиб, ок чизикка ёпишади. Мушак толалари оркадан олдинга ва кундалангига йуналиб, апоневрозга айланади. Уларнинг апоневрозга утиш ери ташкарига караб ёйсимон чизикни (*linea arcuata*) хосил килади. Корин кундаланг мушагининг айрим толалари, корин ички кийшик мушаги тутамлари билан биргаликда чов каналининг ташки (тери ости) тешигидан утиб, моякнинг устки четига бориб ёпишади ва моякни кутарувчи мушак (*m. cremaster*) ни хосил килади.

Хали юкорида ёзганимиздек, корин уч жуфт сербар мушакларининг апоневрозлари кориннинг унг ва чап тугри мушакларининг уртасида, туш суяги ханжарсимон усигидан, ков суягигача булган масофада апоневрозлар бирлашмаси-кориннинг ок чизиги (*linea albae*) ни хосил килади.

Ок чизикнинг эни юкорида кенгрок (2,0-2,5 см) булса, киндикдан бир оз пастда кескин тораяди, аммо калинлиги ортади. Ок чизикнинг тахминан кок уртасида, киндик халкаси (*anulus umbilicalis*) бор. Ок чизик ков сохасига келганда, ков суякларининг юкори чеккасига учбурчакка ухшаб кенгайган холда бирикади.

Корин ок чизикнинг иккала ён томонларида корин тугри мушаклари (*m. rectus abdominis*) утади. Бу мушак V — VI ва VII ковургалар тогай кисмларининг ташки юзасидан ва ханжарсимон

усимтадан бошланиб, ков суягининг юкори чеккасига ёпишади. Бу мушак узунасига йуналган бакуват мушак тутамларидан иборат булиб, уч-турт ерида пай белбоглари (*intersectiones tendineae*) бор. Пай белбоглариининг иккитаси киндикдан юкорида, учинчиси эса — киндик сохасида булади. Пай белбоглари функционал жихатдан катта ахамиятга эга.

Мушакнинг пай белбоглари буйлаб, унинг кон томирлари ва нервлари утади. Улар асосан кобургалараро кон томир ва нервларнинг тармокларидир. Тугри мушак пишик фиброз халта (*vagina musculi recti abdomini*)-тугри мушак кини ичида жойлашган.

Корин тугри мушагининг кини, корин сербар мушакларининг апоневрозлари хисобига хосил булади. Тугри мушак кинининг олдинги ва орка деворлари юкори ва пастки сохаларида бир хил эмас. Чунончи, юкори кисмида, киндикдан юкорида, кориннинг ташки кийшик мушагининг апоневрози тугри мушакнинг олд томонидан, кундаланг мушак апоневрози эса орка томонидан утади. Корин ички кийшик мушагининг апоневрози тугри мушакнинг латерал киргогига келганда икки варакка булиниб, биттаси унинг олд томонидан, иккинчиси эса орка томонидан утиб, ташки кийшик ва кундаланг мушаклар апоневрозларига туташиб кетади. Киндикдан 5-4 см пастроқда, учала сербар мушакларнинг апоневрозлари тугри мушакнинг олдинги томонидан утиб, олдинги деворни хосил килади. Натижада киннинг орка девори кундаланг фасциядан (*fascia transversalis*) иборат булиб колади. Киннинг орка девори ана шу сохада пастдан юкорига караган ботик яримойсимон чизик (*linea arcuata*) билан кескин чегара хосил килиб утади.

Тугри мушаклар кинининг олдинги деворида пай белбоглари булганлиги сабабли, хар хил яллигланиш жараёнлари, гематомалар белбоглар орасида чегараланиб, бошка жойга таркала олмайди. Аксинча, орка деворида пай белбоглари булмаганлиги сабабли, у ердаги патологик жараёнлар мушак ёки кон томир буйлаб таркалиб кетиш хусусиятига эга булади.

Корин тугри мушагининг орка томонидан анча катта кон томирлар утади. Булар, унинг юкори сохасидаги, корин тепасидаги устки (*a. epigastrica superior*) хамда корин тепасидаги пастки (*a. epigastrica inferior*) артериялардир. Охирги артерия ташки ёнбош артерия (*a. iliaca externa*) сининг, биринчиси эса умров ости (*a. subclavia*) артериясининг тармогидир. Корин тепасидаги устки ва пастки артериялар узаро анастомозда булиб, умров ости артерияси билан ташки ёнбош артерияларни бир-бирига улаб туради. Бу артерияларнинг шу номли веналари уртасидаги анастомозлар эса пастки ковак вена билан устки ковак венани бир-бирига улаб «каво-кавал» анастомозларини хосил килади.


Корин кундаланг мушагидан сунг корин бушлигининг ички фасцияси (*fascia endoabdominalis*) келади. У корин деворининг ички

Киндик урта чизикда, тахминан туш суягининг ханжарсимон усиги билан ков суягининг уртасидаги маеофада жойлашади, унинг шакли хар хил: ясси, ичкарига тортилган, ташкарига буртиб чиккан ва х. к. булиши мумкин. Киндик сохасидаги тери юпка, киндик халкасига (*anulus umbilicalis*) мустахам бириккан булади. Халка эса, уз навбатида, корин ок чизиги апоневрозидидаги тешиқдир. Киндик сохасида тери ости ёг туқимаси билан юзаки фасция йук. Ички фасция булса, бир оз калинлашган булиб, уни уша ерда киндик фасцияси (*fascia umbilicalis*) деб атайдилар. Киндик фасцияси корин парданинг париетал вараги билан мустахам бирикади. Хомила она корнидалик пайтида, киндик халкаси оркали иккита киндик артериялари билан сийдик йули (*urachus*) утиб, улар киндик халкасининг пастки кисмида жойлашади. Халканинг юкори кисмида эса киндик венаси жойлашади. Бола тугилгач, буларнинг хаммаси облитерацияга учраб, сийдик йули-урта киндик бойламига, киндик артериялари-латерал киндик бойламларига, киндик венаси эса жигарнинг юмалок бойламига айланади. Киндик венаси киндик каналида утади. Бу канал олдиндан ок, чизик билан, оркадан-киндик фасцияси билан чегараланиб туради. Каналнинг пастки тешиги киндик халкасининг устки сохасида, юкори тешиги-ундан 6-5 см юкорида булади. Киндик халкаси корин олдинги деворининг энг заиф жойи хисобланиб, унинг тешиги кенгайса ёки корин бушлигида босим ошиб кетса, у ердан киндик чурраси чиқиши мумкин.

Корин деворидаги тери лимфа йуллари икки хил лимфа чигалларини хосил килади. Булар юзаки ва чуқур лимфа чигаллари булиб, терининг кушимча туқима каватларида хосил булади. Юзаки лимфа йуллари асосан култик ости ва чов лимфа тугунларига бориб очилади. Бунда, корин деворининг чап томонидаги лимфа йуллари, унг томонидагилар билан ва пастки соханинг лимфа йуллари-юкори соханинг лимфа йуллари билан анастомоз хосил килади. Чуқур лимфа йуллари булса, мустакил равишда хамда кон томирлари буйлаб, корин олдинги ён сохаларининг чуқур каватларига фасция ва мушаклар орасига кириб боради. Улар уз лимфа суюқликларини нафакат култик ости ва чов лимфа тугунларига, хатто корин бушлиги ва корин парда оркасидаги лимфа тугунларига олиб бориб куядилар. Бундан куришиб турибдики, корин олдинги ён деворида жойлашган лимфа йулларининг анастомозлари жуда кенг таркалган булиб, факатгина корин деворларида эмас, бошка кушни соха лимфа йуллари билан хам алока килар экан.

Чов сохаси (*reg. inguinalis*). Чов сохаси тугри бурчакли учбурчак шаклга эга булиб, унинг юкори чегарасини ёнбош суягининг олдинги юкори усигидан корин тугри мушагининг ташки киррасигача утказилган чизик, пастки чегарасини-чов бойлами ва ички чегарасини-корин тугри мушагининг ташки кирраси ташкил килади.

Амалий жихатдан чов сохасида жойлашган чов учбурчаги билан чов канали катта ахамиятга эгадир. Чов учбурчагини юкоридан, чов бойламини юкори ва урта учликларга буладиган нуктадан, корин турри мушагини ташки киррасигача утказилган кундаланг чизик, ичкаридан-корин турри мушагининг ташки кирраси ва пастдан-чов бойлами чегаралаб туради. Бу учбурчақда чов оралиги булиб, у ички кийшик ва кундаланг корин мушаклари орасидаги энсизгина жойдир.



Расм 4. Чов сохаси хирургик анатомияси

- 1 — апоневроз m. obliqui externi abdominis;
- 2 — m. obliquus internus abdominis;
- 3 — n. iliohypogastricus;
- 4 — n. ilioinguinalis;
- 5 — funiculus spermaticus;
- 6 — a. et v. pudenda externa;
- 7 — v. saphena magna;
- 8 — anulus inguinalis superficialis;
- 9 — m. cremaster; 10 — lig. inguinale.

Бу оралик мушаклар орасидаги энг заиф жой хисобланиб, корин бушлиги босими ошиб кетганда (асцит, хомиладорлик, огир юк кутариш ва х. к.) ёки шу жойнинг анатомик етишмовчилигида, бу ердан корин бушлигининг ички аъзолари ташкарига — чов сохасига чикиб, чов чуррасининг келиб чикишига сабаб булади. Чов оралиги юкоридан, корин ички кийшик ва кундаланг мушакларининг пастки кирралари билан, пастдан -чов бойлами билан ва ичкаридан-тугри мушак ташки кирраси билан чегараланади. Чов оралигининг туртта хили тафовут килинади: ёриксимон, юмалок, овалсимон ва учбурчаксимон. Энг катта хажмли оралик учбурчаксимон шаклда, энг кичик хажмлиги-ёриксимон шаклда булади. Унинг катта хажмдаги шакли купинча эркакларда учрайди. Шунинг учун хам уларда аёлларга нисбатан чов чурралари 5-6 марта куп учрайди. Учбурчаксимон чов оралигида чов чурраси купинча тугри шаклда булади.

Чов сохасининг териси юпка, харакатчан, чузилувчан ва жун билан копланган булиб, тер хамда ёг безларига бой булади. Тери ости ёг тукумаси яхши тараккий килган, юзаки фасцияси икки варақдан иборат. Чов учбурчаги сохасидаги тери ости ёг тукумасида, юзаки фасциянинг остида, сон артериясидан чикувчи куйидаги

артериялар утади: корин тепасидаги юза артерия, унинг ичкарисида ташки уятли артерия, ташкарисида-ёнбош суягини ураб турувчи юзаки артерия ётади. Бу артерияларнинг шу номли веналари ҳам шу сохада булади. Лимфа йуллари юзаки чов лимфа тугунларига очилади.


Чов сохасининг тери нервлари асосан ковурагалараро, ёнбош-корин ости ва ёнбош-чов (nn. intercostalis, iliohypo-gastricus, et ilioinguinalis) нервларидан келадиган тармоқлардир. Охирги иккита нерв бел чигалининг тармоқлари булиб, корин олдинги девори мушакларини ичкаридан ташкарига караб тешиб утади ва ёнбош суягининг олдинги юкори сохасида, ички кийшик ва кундаланг мушаклар орасига чиқади. Сунгра ёнбош-корин ости нерви, чов каналининг ташки тешигидан 2-2,5 см юкорида, ташки кийшик мушак апоневрозини тешиб, тери ости ёг тукумасига чиқади. Ёнбош-чов нерви булса, чов каналининг ичида уруг тизмаси ёки кундаланг бойлам билан бирга утиб, унинг ташки тешигидан чиқади ва ково сохдси терисига боради.

Чов канали (canalis inguinalis). Чов канали деганда, корин ташки кийшик мушаги апоневрози очилгандан кейин куринадиган анатомик ораликка айтилади. Чов чурраси булмаганида чов канали яхши ривожланмаган булади. Каналнинг амалий аҳдмияти шундаки, унинг ичидан хар хил чов чурралари утади. Каналнинг туртта девори ва иккита тешиги тафовут килинади. Унинг олдинги деворини, корин ташки кийшик мушагининг апоневрози, пастки деворини-чов бойлами, юкори деворини-ички кийшик ва кундаланг корин мушакларининг пастки кирралари ва орка деворини- корин кундаланг фасцияси хосил килади.

Чов канали чов бойламига параллел холда жойлашиб, унинг медиал $\frac{2}{3}$ кисмига турри келади. Унинг узунлиги уртача 4,5 см ча булиб, болаларда бир оз калта ва кенгрок булади. Канал аёлларда эркақлардагига караганда тор ва узун булади. Чов каналида ички ва ташки тешиклар фарк килиниб, унинг ташки тешиги (annulus inguinalis externa) ково суягининг юкори-ташки сохасига тугри келади ва ташки кийшик мушаги апоневрозининг ково суягига бирикишидан олдин, иккига булинишидан хосил булади. Апоневрознинг булинган бу кисмларининг юкори булагига медиал оёкча (crus medialis), пастки булагига — латерал оёкча (crus lateralis) дейилиб, биринчиси ково суякларининг бирлашмасига, иккинчиси-ково думбогига бирикади. Натижада иккала оёкчалар орасида хосил булган ерик ичидан, чов каналидан чикиб келаётган уруг тизмаси (эркақларда) ёки бачадоннинг юмалок бойлами (аёлларда) утганлиги учун унга чов каналининг ташки тешиги дейилади. Ташки тешикнинг латерал сохаси оёкчалараро фиброз толалар (fibrae intercruralis) билан, медиал сохаси эса кайталовчи бойламлар (lig. reflexum) билан айланасига уралади. Натижада аввал ёриксимон шаклга эга булган

ташки тешик овалсимон шаклга киради. Бу тешикнинг кенглиги муътадил холатда курсаткич бармокнинг учини утказди.

Чов каналининг ички тешиги (*annulus inguinalis interna*) Корин олдинги деворининг ички юзасида, ташки тешик сохасида жойлашади. Чов каналининг ичидан уруг тизмаси (эркакларда) ёки бачадоннинг юмалок бойлами (аёлларда) утади. Чов каналидан турри ва кийшик чов чурралари келиб чикади. Уларни бошланиш ва келиб чиқиш жойларини хамда бир-бирига нисбатан анатомик фаркларини билишимиз хамда тугри тушунишимиз учун корин олдинги деворининг ичкари (орка) томондан тузилиши билан танишиб чиқишимиз зарур.



Расм 5. Корин девори пастки сохасининг орка юзасининг кериниши


1 — *m. rectus abdominis*; 2 — *lig. interfoveolare*; 3 — *anulus inguinalis profundus*; 4 — *lig. inguinale*; 5 — *a. et v. epigastrica inferior*; 6 — лимфатические узлы; 7 — *lig. lacunare*; 8 — *a. et v. iliaca externa*; 9 — *foramen obturatorium*; 10 — *n. obturatorius*; 11 — *a. et v. obturatoria*; 12 — *ureter dexter*; 13 — *ductus deferens*; 14 — *ve-sica urinaria*; 15 — *peritoneum*; 16 — *fossa supravesicalis*; 17 — *fossa inguinalis medialis*; 18 — *lig. inguinale*; 19 — *fossa inguinalis lateralis*; 20 — *plica umbilicalis media*; 21 — *plica umbilicalis medialis*; 22 — *plica umbilicalis lateralis*.

Корин олдинги деворининг ички сохасида корин пардадан хосил булган бешта бурма бор. Уларнинг иккитаси жуфт, биттаси ток, булиб, ток, бурма облитерацияга учраган сийдик нули (*ugachus*) нинг устида хосил булади. Бу бурма ковуқ билан киндик уртасида тортилиб турганлиги сабабли, ковуқ-киндик урта эгати (*plica vesicaumbilicalis mediana*) дейилади. Колган иккита жуфт бурмаларнинг иккитаси облитерацияланган киндик артерияларининг устида хосил булиб, улар хам ковуқнинг ён томонлари билан киндик орасида хосил булганликлари сабабли, уларга сийдик копи — киндик ички эгат (*plica vesicaumbilicalis media*) лари дейилади. Колган яна иккита эгатлар *vasa epigastrica inferior* устида хосил булиб, улар хам ковуқнинг ён томонларидан, киндик сохасига караб юргани учун уларга ковуқ-киндик латерал эгат (*plica vesicoumbilicalis lateralis*) лари дейилади. Корин парданинг бу бурмалари орасида хар

томонда учтадан, олтига чукурчалар хосил булади. Буларнинг урта ва медиал бурмалар орасида хосил булганига ковок усти чукурча (fovia supravesicalis) си, медиал бурма билан латерал бурмалар орасидагисига-медиал чов чукурчаси (fovia inguinalis medialis) ва латерал бурмадан ташкаридаги чукурчага-латерал чов чукурча (fovia inguinalis lateralis) си дейилади.

Медиал чов чукурчаси чов каналининг ташки тешиги билан бир чизикда булиб, унинг оркасида жойлашади. Шунинг учун хам у оркали чикиб келган корин аъзолари, туппа-тугри ташки тешикдан чов сохасига чиқади. Тугри тушиб келган бундай чуррага — тугри чов чурраси (hernia inguinalis recta) дейилади. Латерал чов чукурчаси чов каналининг ички тешиги хисобланади. Аммо, у очик булмаи кориннинг кундаланг фасцияси хамда корин парданинг париетал вараги билан копланган булади. Агар корин аъзолари шу чукурча оркали утиб, чов канали буйлаб унинг ташки тешигидан чикиб келса, кийшик чов чурраси (hernia inguinalis obliqua) хосил булади.

Бу борада корин бушлигидан тери остига чиккан аъзоларнинг чурра деб хисобланиши учун чурра белгиларидан унинг учта асосий таркибий кисми булиши керак. Булар: чурра дарвозаси, чурра халтаси ва чурра халтасининг ичида корин аъзоларининг биронтаси (ичак, чарви ва х. к.). Чурра халтаси корин парданинг париетал варагидан хосил булиб, тугри чов чуррасида тери ва тери ости ёг тукимаси, юзаки фасция хамда корин парда олди ёг кавати билан копланган булади.




Расм 6. Кийшик чов чурраси

- 1- a. et v. epigastrica inferior,
- 2- корин парда олди ёг тукимаси,
- 3- fascia transversalis,
- 4- чурра копи,
- 5- ингичка ичак
- 6- tunica vaginalis testis,
- 7- fascia spermatica int.,
- 8- fascia cremasterica et m. cremaster,
- 9- fascia spermatica ext.,
- 10- tunica dartos,
- 11- тери
- 12- scrotum,
- 13- m. obliquus internus abdominis,
- 14- n. Ilioinguinalis,
- 15- m. obliqui externi abdominis апоневрози

Юкорида айтганимиздек, кийшик чов чурраси бутун чов канали буйлаб утиб, уруг тизмаси буйлаб ёргокка тушиши мумкин. Бундай

чуррага чов-ёргок чурраси дейилади. Аёлларда у катта жинсий лаблар ёг тукумасигача тушиши мумкин. Кийшик чов чуррасининг чурра халтаси, уруг тизмаси ва моякнинг умумий кини кобиги остидан утиб, уруг тизмаси уралиб турган каватлар билан уралган булади. Уруг тизмасининг таркибий кисмига, уруг олиб чикувчи йул (ductus spermaticus), мояк артерияси (a. testicularis), моякни кутариб турувчи мушак артерияси (a. cremasterica) ва уруг олиб чикувчи йул артерияси (a. ductus deferentis) киради.



Расм 7. Тугри чов чурраси

- 1 — n. ilioinguinalis;
- 2 — m. obliquus internus abdominis;
- 3 — fascia transversalis;
- 4 — корин парда лолди ёг тукумаси;
- 5 — чурра копи;
- 6 — ингичка ичак;
- 7 — funiculus spermaticus;
- 8 — a. et v. epigastrica inferior;
- 9 — m. obliqui externi abdominis апоневрози.

Уруг тизмаси атрофида узум мевасига ухшаган калин вена чигаллари (plexus pampiniformis) хосил булиб, кейинчалик бу чигал, мояк венасига (v. testicularis) утади. Бунда унг мояк венаси тугри пастки ковак венаса, чапи булса-чап буйрак венасига куяди. Чов канали сохасида ёнбош-чов ва сон-оралик нервларининг оралик тармоклари утади.

Кийшик чов чуррасининг чурра халтаси куйидаги каватлар билан ёпилган булади: тери ва тери ости ёг тукумаси, юзаки фасция, корин ташки кийшик мушагининг апоневрози ва уруг йули фасцияси (fascia spermaticus), моякни кутариб турувчи мушак (m. cremasterica) хамда шу номли фасция. Буларнинг остидаги кават, мояк ва уруг тизмасини ураб турган умумий кобиги булади. Бу борада шуни хам айтиб утиш керакки, корин тепасидаги пастки артерия ва веналар (a. et v. epigastrica inferior) кийшик чов чуррасида чурра халтасига нисбатан ичкарида, турри чов чуррасида эса ташкарида ётади.

Турма чов чурраларининг (hernia inguinalis congenita) хосил булиши, орттирилган чов чурраларидан (hernia inguinalis

acquistica) фарк килади. Одатда корин парданинг ёргок ичига кирган усиги (prosessus vaginalis) хомиланинг охирги ойлари, яъни тугилиш пайтига келиб бекилади (облитерацияланади). Бордию, шу бекилиш жараёни содир булмай, унинг ёррокка олиб кирадиган йули очик колса, айна пайтда мояк хамда уруг тизмаси учун умумий кобик хисобланиб, бу усик ичига корин бушлиги аъзоларининг утиш имконияти турилади ва ёпилмай колган бу усик чурра халтаси вазифасини утайди. Натижада хали тугилиб улгурмаган болада чов чурраси хосил булиб, у шу чурра билан турилади. Бундан курииб турибдики, тугма чов чурралари хам, орттирилган чов чурраларидек, уруг тизмаси умумий кобиги ичида утар экан. Демак, хар иккаласида хам чурра халтасини ураб турган кобик бир хил, яъни: ташки урур фасцияси, моякни кутарувчи мушак фасцияси, моякни кутариб турувчи мушак ва уруг тизмасининг ички фасцияси булади.

КОРИН ЧУРРАЛАРИ

Корин чурралари (hernia abdominalis) деб- ички аъзоларни корин парда билан уралган холда корин деворидаги, чанок тубидаги ва диафрагмадаги табиий ёки сунъий тешиклар оркали тананинг ташки копланлари остига ёки бошка бушликка чикиб колишига айтилади.

Хакикий чурраларнинг зарурий таркибий кисми булиб куйидагилар хисобланади:

Чурра дарвозаси

париетал корин пардадан иборат- **чурра копи**

корин бушлиги аъзоларидан иборат-**чурра сакламаси**

Ички аъзоларни табиий тешиклар оркали чикиб колиши **тушиб колиш** (prolapsus) деб номланади.

Ички аъзоларни париетал корин пардадаги дефект оркали чикиб колишига эса **эвентрация** дейилади.

Чурра дарвозаси- корин деворининг мускул-апаневроз каватидаги ёки фасциал гилофлардаги табиий ёки патологик тешик булиб, у оркали чурра шиши чикади.

Чурра копи- чурра дарвозаси оркали чикиб турган париетал корин парданинг бир кисми булиб хисобланади. Чурра копининг куйидаги кисмлари фаркланади:

Бўгзи- чурра копининг бошлангич кисми

Бўйни- чурра копининг энг ингичка кисми булиб, мускул-апаневроз катламлари орасидаги чурра дарвозасигача жойлашади.

Танаси- чурра копининг энг катта кисми булиб, чурра дарвозаси ва буйнидан ташкарида, асосан тери остида жойлашади.

Туби- чурра копининг охирги кисми.

Чурра копи бир ёки куп бушликли булиши мумкин.

Чурра сакламаси- чурра копи ичида жойлашган корин бўшлиги аъзоларидан биридир. Корин бушлигидаги хар кандай аъзо чурра сакламаси бўлиши мумкин. Бирок, куп холатларда корин бушлигидаги нисбатан эркин харакатланувчан аъзолар: катта чарви, ингичка ичак, сигмасимон ичак, чувалчангсимон ўсимта ва х. Лар чурра сакламаси булиб аникланади. Чурра сакламаси корин бушлигига эркин тугриланиши (**тургиланувчи чурралар**), кисман тугриланиши, тугриланмаслиги (**тугриланмайдиган чурралар**) ёки чурра дарвозасида кисилиб колган булиши мумкин (**кисилган чурралар**). Кисилган чурраларни тугирланмайдиган чуралардан фарклар катта ахамиятга эга. Чунки кисилган чурралар уткир ичак тутилишига сабаб булиб, ичакда некроз, гангрена юзага келишига ва перитонит ривожланишига олиб келади. Агарда корин бушлиги аъзоларининг катта кисми узок вақт давомида чурра копи ичида сакланиб турган булса, бундай чурралар **гигант чурра** (hernia per magna) деб номланади. Гигант чурралар ташрих вақтида корин бушлигига кийинчилик билан тугирланади, чунки чурра хосиласининг корин

бушлигидаги дастлаб эгаллаб турган ўрни йуколиб, корин бушлиги кичрайиб колган булади.

КОРИННИНГ ТАШКИ ЧУРРАЛАРИ

Статистик маълумотларга караганда, ахолининг 3-4% қисмида кориннинг ташки чурралари учрайди.

Келиб чиқишига кура тугма ва орттирилган чурралар фаркланади. Орттирилган чурралар уз навбатида зуриқишдан кейин (корин бушлиги ичидаги босимнинг бирданига кескин ортиб кетиши натижасида) ёки корин деворининг кучсизланиши (қари ва холсизланган шахсларда мускулларининг тонуси ва эластиклиги пасайиши, атрофияга учраши натижасида) оқибатида юзага келиши мумкин. Бундан ташқари **ташрихдан кейинги** ва **жароҳатдан кейинги** чурралар ҳам фаркланади. Чурраларни анатомик жойлашувига кура: чов, сон, киндик, бел, утиргич, ёпгич, оралик чурраларига ажратилади.

Этиологияси ва патогенези (сабаблари ва ривожланиши). Чурралар купинча 1ёшгача булган болаларда куплаб аникланади. Касалликнинг учраши 10 ёшгача булган болаларгача аста-секин камайиб бориб, ундан кейин яна ошиб боради ва 30-40 ёшлик шахслар орасида энг куп миқдорда аникланади. Ёши утганлар ва қариялар орасида ҳам чурра билан хаста беморлар сони ортиб боради.


Чурраларнинг энг куп учрайдиган турларига чов чурралари (75%), сон чурралари (8%), киндик чурралари (4%) ва ташрихдан кейинги чурралар (12%) киради. Чурраларнинг колган барча турлари 1% атрофида учрайди. Эркакларда купрок чов чурралари учраса, аёлларда сон ва киндик чурралари учрайди.

Чурраларни юзага келишига сабаб булувчи омилларни иккита гуруҳга булиш мумкин. Буларга мойиллик тугдирувчи омиллар ва юзага чиқарувчи омиллар киради.

Мойиллик тугдирувчи омилларга ирсият, ёш (масалан, 1 ёшгача булган болаларда корин деворининг кучсизлиги хали етарли даражада ривожланмаганлик хисобига булса, қарияларда эса атрофия сабабли булади), жинс (аёлларда сон халқаси улчамларини катта булиши ва чанокнинг узига хос тузилиши, эркакларда чов соҳасининг кучсиз булиши ва чов каналининг хосил булиши), жисмоний ривожланганлик даражаси (тезда озиб кетиш), корин девори жароҳатлари, ташрихдан кейинги чандиклар, корин деворини иннервациялайдиган нервлар параличи ва х. киради. Юқорида санаб утилган омилларнинг барчаси корин деворининг кучсизланишига олиб келади.

Юзага чиқарувчи омиллар корин бушлиги ичи босимини ошиб кетишига сабаб булади. Буларга огир жисмоний меҳнат, кийин тугруклар, сийдик ажралишини кийинлашуви, кабзиятлар, узок вақтли йуталлар киради. Корин бушлигидаги босимни ошишига сабаб булувчи


омил якка ва бехос (огир юк кутариш) ёки тез-тез кайталаниб туруви (йутал) табиатга эга булиши мумкин.



Расм 8. Тугма (чапда) ва орттирилган (унгда) кийшик чов чурралари (схема)

1 — peritoneum; 2 — fascia transversalis; 3 — тонкая кишка; 4 — грыжевой мешок; 5 — testis; 6 — tunica vaginalis testis; 7 — tunica dartos; 8 — кожа; 9 — грыжевой мешок — tunica vaginalis testis; 10 — fascia spermatica interna.

Тугма чурраларинниг юзага келишига сабаб хомиланинг ривожланиш жараёнида корин деворининг тулик ва тугри шаклланмаслигидир. Чурраларнинг бу турига эмбрионал киндик чурраси, эмбрионал чурра (киндик тизимчаси чурраси), корин парданинг кин усимтасини битмай колиши киради. Даствлаб чурра дарвозаси ва чурра копи шаклланади, кейинчалик эса жисмоний зурикиш натижасида ички аъзолар чурра копига кириб қолади.



Расм 9. Кур ичакли сирпанувчи чурра.


А-корин пада олди шакли;

В-корин пардадан ташкари шакли

1 — peritoneum; 2 — fascia transversalis; 3 — чурра копи; 4 — кур ичак гумбази

Орттирилган чурраларда чурра копи ва ички аъзолар даствлаб чурра каналини ички тешигига кириб қолади, кейин эса ташки тешик (чов канали, сон канали) оркали чиқади .

Клиник куриниши ва диагностикаси (ташхислаш). Касалликнинг асосий белгиси булиб чурра сохасидаги шиш ва шу сохадаги огрик хисси булиб хисобланади. Бу белгилар беморнинг вертикал холатида, бемор кучанганда, йуталганда, юрганда, жисмоний зурикканда янада кучаяди. Чурра шиши беморнинг ётган холатида, хамда кул билан тугирланганида йуколади ёки улчами кичраяди.



Расм 10. Сон чурраси.

- 1 — lig. inguinale;
- 2 — lig. lacunare;
- 3 — сон чурраси;
- 4 — a. et v. pudenda externa;
- 5 — m. pectineus;
- 6 — v. saphena magna;
- 7 — lnn. inguinales profundi;
- 8 — a. et v. femoralis;
- 9 — a. et v. epigastrica superficialis.

Чурра шиши аста-секин катталашиб бориб, овал ёки шарсимон шаклни олади. Корин бушлиги ичи босими бирданига кескин ошиб кетиши натижасида юзага келган чурраларда беморлар юзага келган чурра сохасида кучли огрикни, корин деворида бирданига шишнинг юзага келганлигини ва баъзи холатларда атроф тукималарга кон куйилганлигини кузатадилар.

Чурра билан хасталанган беморлар тик турган ва ётган холатда куздан кечирилади. Тик турган холатда беморни кучантириб ёки йуталтириб куздан кечириш, беморда илгари кузга ташланмаган чурра шишини аниклашга, катта чурраларда эса чурранинг энг катта улчамини белгилашга ёрдам беради.


Чурра шишини туккуллатиб уриб курилганда тимпаник товуш эшитилса, чурра сакламаси ичак ковузлокларидан (ичида газ саклайди) иборат деб, агар перкутор товуш бугиклашган булса катта чарви ёки ичида газ сакламайдиган бошка бир аъзо деб тахмин килинади.

Чурра шишини пайпаслаб куриб, чурра сакламасини консистенцияси аникланади (ичак халкалари зич-эластик консистенцияли булса, катта чарви булакли тузилишга эга юмшок консистенцияли булади).

Беморни ётган холатида чурра сакламасини корин бушлигига туриланиши аникланади. Катта чурралар корин бушлигига тугирланган пайтида ичакнинг узига хос товуши эшитилади.

Чурра хосиласи корин бушлигига тугирлангандан кейин бармокни чурра дарвозасига тикиб, унинг ёрдамида чурра дарвозасининг ташки

тешигининг улчами ва шакли аниқланади. Бемор йуталтириб курилганда текшираётган бармоқ корин парданинг шишган соҳаси ва унинг остидаги аъзоларнинг турткисини сезади. Бу аломат «йутал турткиси» деб номланиб, кориннинг ташки чурралари учун хосдир.



Расм 11. Киндик чурраси.

- 1 — тери;
- 2 — тери ости ёғ туқимаси
- 3 — чурра сакламаси (чарви ва ингичка ичак);
- 4 — *m. rectus abdominis*;
- 5 — *fascia transversalis*;
- 6 — *peritoneum*;
- 7 — грыжевой мешок.

Катта чурраларда чурра хосиласи табиатини аниқлаш мақсадида ошқозон ичак тизими ва сийдик пуфаги рентгенологик текширишдан утказилади.

Даволаш. Чурра хасталигида консерватив даволаш болаларда киндик чурраси мавжуд булганда утказилади. Бунда «пелот» ли боғламлар кулланилиб, у ички аъзоларни чиқиб қолишини олдини олиб туради. Катталарда эса турли хил бандажлар кулланилади. Бандаж тақиб юриш, ташрих йули билан даволашга жиддий қарши курсатмалар (юррак, буйрак, упканинг декомпенсация босқичдаги сурункали касалликлари, жигар циррози, дерматит, экзема, ёмон сифатли усмалар) булганда, ташрих йули билан даволашнинг имконияти булмаган беморларга буюрилади. Бандаж тақиб юриш ички аъзоларни чурра копига кириб қолишини олдини олиб, чурра дарвозасини вақтинча ёпиб туради. Бандажни факат тугриланувчи чурраларда куллаш мумкин. Бандажни узок вақт тақиб юриш корин девори туқималарини атрофияланишига, чурра копи билан ички аъзолар уртасида битишмаларнинг юзага келишига, яъни тугирланмайдиган чурранинг хосил булишига олиб келиши мумкин.

Чурраларни жаррохлик йули билан даволаш, унинг қисилиш, яллиғланиш ва х. қаби бир қатор огир асоратларини олдини олувчи асосий усул ҳисобланади.

Асоратланмаган чурраларда чурра шиши устидаги туқималар, чурра дарвозаси кесилиб, чурра копи топилади ва атроф туқималардан ажратилиб очилади. Чурра сакламаси корин бушлигига тугирланиб, чурра копи буйнидан тикиб боғланади. Чурра копи кесиб олиниб, корин девори чурра дарвозаси соҳасида маҳаллий туқималар, бўзида аллопластик материаллар ёрдамида пластикалаш йули билан мустаҳкамланади. Чуррани бартараф этиш маҳаллий ёки умумий огриксизлантириш орқали амалга оширилади.

Профилактикаси (олдини олиш). Болаларда чурра хасталиги ривожланишини олдини олиш, кукрак ёшидаги болаларни тугри парвариши билан боғлиқ: киндикни тугри парваришлас, тугри ва сифатли овкатлантириш, ичак фаолиятини меъёрлаштириб туриш ва х. Катта одамларда эса жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланиб туриш мускулларни ривожланитиш билан бирга, организмни бутунлай мустахкамлашга ҳам ёрдам беради.

Чурра билан хаста беморларни эрта аниқлаш ва турли хил асоратлар ривожланмасдан туриб уларни жаррохлик йули билан даволаш катта ахамиятга эга. Бунинг учун эса аҳолини, жумладан мактаб укучиларини ва ёши утган кишиларни профилактик назоратдан утказиб туриш зарур.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

1. Чов канали куйидагилардан иборат:

- A) Икки тешик ва турт девор
- B) Турт тешик ва икки девор
- C) Уч тешик ва турт девор
- D) Турт тешик ва икки девор
- E) Икки тешик ва икки девор

2. Чов оралигининг энг мустахкам шакли:

- A) учбурчаксимон
- B) дуксимон
- C) ёриксимон
- D) ромбсимон
- E) трапециясимон

3. Спигел чизиги хосил булади:

- A) Кундаланг мускулнинг пай кисми бошланиши сохасида
- B) Ташки кийшик мускул апоневрози орасида
- C) Ички кийшик мускулнинг пастки кобиргаларга бирикиш жойида
- D) Тугри мускулларнинг ички киргогида
- E) Тугри мускулларнинг ташки киргогида

4. Ок чизик энг кучли ривожланган соха:

- A) Эпигастрал соха
- B) Мезогастрал соха
- C) Киндик сохаси
- D) Ков сохаси
- E) хамма сохада бир хил ривожланган

5. Купер бойлами жойлашган:

- A) Ташки кийшик мускул апоневрози толаларида
- B) Чов каналининг орка деворида
- C) Сон каналининг орка деворида
- D) Сон каналининг олд деворида
- E) Чов каналининг пастки деворида

6. Сон каналининг ташки тешиги:

- A) Овал чукурча
- B) Ёпкич тешиги
- C) Ков тешиги
- D) латерал чукурча
- E) Медиал чукурча

7. Литтре чурраси:

- A) Чурра копида сийдик пуфагининг булиши
- B) Чурра копида Меккел дивертикулининг булиши
- C) Чурра копида аппендикуляр усимтанинг булиши
- D) Сон чурраларида кур ичакнинг кисилиши
- E) киндик чуррасида чарвининг кисилиб колиши

8. Корин девори пастки сохасини корин парда томонидан курилганда нечта бурма аникланади:

- A) 5 та
- B) 4 та
- C) 3 та
- D) 2 та
- E) 1 та

9. Корин девори пастки сохасини корин парда томонидан курилганда нечта чукурча аникланади:

- A) 8 та
- B) 6 та
- C) 7 та
- D) 9 та
- E) 5 та

10. Тугри каналга эга кийшик чов чурраси куйидаги чурра турларидан кайси бирида учрайди:

- A) Тугма кийшик чов чурраларида
- B) Орттирилган тугри чов чурраларида
- C) Гигант кийшик чов чурраларида
- D) Кийшик чов чуррасининг девор ичи шаклида
- E) Тугри ва кийшик чов чурраси бирга учраганда

ЗИДДИЯТЛИ МАСАЛАЛАР:

1-масала. Бемор Н. 45 ёшда. Корин олд деворидаги 15,0x1,0 см улчамдаги чандикка ва вертикал холатда чандик сохасидаги 15,0x10,0 см улчамдаги шишга шикоят килади. Шиш бемор етганда 5,0x6,0 см улчамга кичраяди. «Йутал турткиси» аломати мусбат. Бемор 10 олдин холецистэктомия, 3 йилдан кейин эса корин ок чизиги чуррасини бартараф этиш ташрихларини бошдан кечирган. Сизнинг ташхисингиз?

2-масала. Ташрих вақтида чурра копи чов бойламидан юкорида ва уруг тизимчасидан ичкарида аникландию. Чурранинг кайси тури учраган ?

3-масала. Таширих вақтида чурра копламларини тери, тери ости ёг катлами, галвирсимон фасция ва корин парда хосил килганлиги аникланди. Сизнинг ташхисингиз?

4- масала. Уртанги урта лапаротомия бажарилганда кесим киндикнинг кайси томонидан утади ва нима учун? Тушкнтириб беринг.

5-масала. Дуглас чизиги кандай хосил булади ва унинг амалий ахамияти?

Асосий адабиётлар:

1. Астопенко В.Г. Практическое руководство по хирургической болезни, Том-1 Москва 1983.
2. Каримов Ш.И. Хирургик касалликлар. Тошкент 1993.
3. Каримов Ш.И., Шомирзаев П.Х. Субординаторлар учун жаррохлик. Тошкент 1993.
4. Кузин М.И. Хирургические болезни. Москва 1986.
5. Савельев В.С. и др. Руководство по неотложной хирургии органов брюшной полости. Москва 1986.

Кушимча адабиётлар:

1. Войленко В.Н. Медлянь А.И., Омельченко В.М. Атлас операции на брюшной стенке и органах брюшной полости.
2. Климанский В.А., Рудаев Я.А. Трансфузионная терапия при хирургических заболеваниях. Москва 1984.
3. Козлов И.З. и др. Повреждения живота. Москва 1988.
4. Курбангалиев С.М. Гнойная инфекция в хирургии. Москва 1985.
5. Матюшин И.Ф. Операции при грыжах брюшной стенки. Горький, 1977
6. Тоскин К.Д., В.В. Жебровский. Грыжи брюшной стенки. Москва, 1990
7. Рябцев В.Г., Гордеев Т.С. Профилактика и диагностика послеоперационных тромбоэмболических осложнений. Москва 1987.
8. Шомирзаев П.Х. Оператив жаррохлик. Тошкент 1990.